

PK


Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

10
(1068)
8-mart
2013
www.xabar.uz
info@xabar.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Неман бор, гўзалдир олам!



Бугун ўлкамизда баҳор, дилларда баҳор. Баҳорнинг илк байрами бир кўли билан дунёни, бир кўли билан бешикни тутиб турган, ўзининг чексиз меҳри, кўрган кўзларни яшнатувчи кўрки билан оламни гўзалликка тўлдираётган аёлларга бағишланиши замирида ҳам катта маъно бор. Зеро, олам аёл меҳри билан мунаввардир.

Ҳар йилги аънаамизга кўра, бу йил ҳам 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан алоқа корхоналарида эркалар билан бир сафда самарали меҳнат қилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, бир вақтнинг ўзида ҳам фарзандлик, ҳам оналик, ҳам бекалик бурчини шараф билан адо этаётган, ўзининг гўзал хулқи, одоби билан кўпчиликка намуна бўлаётган алоқачи аёлларимиз ҳақида маҳсус саҳифалар тайёрлашга қарор қилдик.

Саҳифаларимизнинг бу галги меҳмонлари Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Маҳсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-қисм) ҳамда "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалида меҳнат қилиб, эъзоз топаётган азиз ва муътабар аёлларимиздир.

Шералиева Муниса
оператор

4,5,11-бетлар

Алоқа оламида

Японияликлар ўзларининг технологик ишланмалари билан барчани хайратда қолдиришда давом этишмоқда. Кунчиқар мамлакат мутахассислари атиги 32 граммли митти мобил телефонни тақдим этишди. 32x70x10,7 мм габаритли телефон Phone Strap 2 деб ном олди.

Митти қурилма телефондан кўра, кўпроқ брелокни эслатади. Телефон ўзининг миттилигидан бошқа жиҳатлари билан мақтана олмайди. Унда хатто фотокамера ҳам йўқ.



Ушбу сонда:

- Давлат комиссияси йиғилиши 2
- Олтин ҳалқалар 3
- Презентация новой версии центра единой авторизации id.uz 6
- Почта қутилари "олтин"дан... 13

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 март куни Оксаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди. Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, хусусан, Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манfaatли юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Мулоқот чоғида, шунингдек, давлатлараро ва фуқаролик жамияти институтлари даражасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

2013 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи яли мажлисини шу йил 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қаъриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу кунларда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ҳамда махсус мактаб-интернатлар, Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали тошириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тантанали маросимлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" шiori остида ўтаётган тадбирларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган, катта спортта илк қадам қўяётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президент совгалари тоширилмоқда.

Хоразмда "Оилавий корхона — фаровон ҳаёт пойдевори" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзЛДП фракцияси, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон касабалар уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлиmlари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Самарқандда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фаол аёллар, истеъдодли қизлар ва кам таъминланган оилалар вакиллари билан вилоятдаги тарихий обидалар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёхати уюштирилди. Саёхат давомида хотин-қизлар таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойларда бўлиб, аҳоли учун яратилган турмуш шароитлари билан танидилар.

Яқинда Шанхай кутубхонасида Тошкент ва мазкур мегаполис ўртасида биродарлашув муносабатлари ўрнатилганининг 19 йиллигига бағишланган кўرғама бўлиб ўтди. Унда ўзбек рассомлари ижодига мансуб рангбаранг асарлар намойиш этилди. Мазкур кўрғама республикамизнинг Бош консулиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ва Шанхай хоржий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Давлат комиссияси йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси (ЎЗР РЧДК)нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш чоғида ЎЗР РЧДК 2012 йил иш фаолиятига яқун ясалди ва муҳокама қилинди, комиссиянинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқат қарорларига мувофиқ комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини ўз ичига олган 2013 йилги иш режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ўтган йилда комиссия томонидан радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастота полосалари (номиналлари)ни ажратиш, шунингдек, замонавий алоқа технологияларини ривожлантириш учун белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди, республика ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг ҳалақитларсиз ишлашини таъминлаш, чегарадош давлатлар билан радиочастота бириктиришларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш, республика радиочастота бириктиришларни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, республика ҳудудида радиоқурилмадан фойдаланиш имкониятини аниқлаш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида техник ва технологик жиҳатдан рақамли телеширтиришга ўтиш давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ рақамли форматдаги телеширтиришга ўтиш бўйича чора-тадбирларни бажариш юзасидан ишлар давом эттирилди. 2012 йилда РТВ узатгичлари Лангар (Навоий вил.), Вахшивор (Сурхондарё вил.), Гулистон (Сирдарё вил.) ва Қўқон (Фарғона вил.)да ўрнатилди.

Комиссия йиғилишида "2010-2015

йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли ер усти телевизион эшиттиришга ўтиш частота-худуд режаси"га ўзгартиришлар киритиш бўйича ахборот алоҳида масала сифатида тақдим этилди.

Комиссия Халқаро электралоқа иттифоқининг 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида қабул қилинган айрим қарорларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Частоталар тақсимот жадвалига киритиладиган ўзгартиришларни кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Ҳисобот даврида "2015 йилгача янги технологияларни жорий этиш учун радиочастота спектридан фойдаланишнинг истиқболли режаси"да кўзда тутилган рақамли эшиттириш, симсиз кенг полосали узатишни жорий этиш, янги радиотехнологияларни қўллаган ҳолда радиоалоқа тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни бажариш юзасидан ишлар давом эттирилди.

Йиғилишида 2012 йилги Радиоалоқа ассамблеяси Резолюцияларини ва 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси Якуний актларини амалга ошириш ҳамда 2015 йилги Радиоалоқа ассамблеяси ва 2015 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёрларлик кўриш бўйича чора-тадбирлар режасини бажариш бўйича ишларга оид ахборот тингланди ва маъқулланди.

Комиссия Халқаро электралоқа иттифоқининг 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида қабул қилинган айрим қарорларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Частоталар тақсимот жадвалига киритиладиган ўзгартиришларни кўриб чиқди ва тасдиқлади.

ЎЗР РЧДКнинг чегарадош давлатлар билан радиочастота бириктиришларини мувофиқлаштириш масаласи бўйича ўзаро ҳамкорлигини келгусида ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва айрим чегарадош давлатлар алоқа маъмуриятлари ўртасида Кўчма, тургун ва радиоэшиттириш хизматлари томонидан фойдаланиладиган 30,0-1000,0 МГц частота полосасидаги частота бириктиришларини мувофиқлаштиришнинг техник асослари бўйича Битимларини тайёрлаш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Йиғилишида, шунингдек, радиоэлектрон воситаларни олиб кириш ва республика ҳудудида улардан фойдаланиш масалалари ва радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги бошқа қатор масалалар кўриб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Устувор вазифалар

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида почта алоқаси хизмати сифат даражасини ошириш, ноанъанавий турларини жорий этиш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш механизмининг янада такомиллаштириш, ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этиш чоралари, ходимларнинг муомала маданияти масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари, эксплуатация ишлари бўйича муҳандислар, ҳисобчилар, бўлим бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот органи вакиллари иштирок этган йиғилишнинг филиал директори вазифасини бажарувчи Ориф Махмудов кириш сўзи билан очиб, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган алоқа хизматлари тўғрисида гапирди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг ўринбосари, ПХХ бошлиғи Ислам Назаров, жамиятнинг ПХХ бўлими бошлиғи Исмаил Маликов пул маблағларини сақлаш, бутлғичга етказиш, кадрлар захирасини шакллантириш, нафақаларни ўз вақтида етказиш, шакл варақаларини тўлдириш, хизматларнинг янги турларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали иш унумдорлигини ошириш тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

Шу куни вилоятнинг Қамали ҳамда Гузор почта алоқаси тармоқларида аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари билан танишиб, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларини фаоллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раҳбарлари ҳамда фуқаролар билан ҳам учрашув ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзлимиз ТИМСОЛИ

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида ўтказилган навбатдаги маънавий ва маърифат ўқуви ана шу мавзуга бағишланди.

Ўқув иштирокчилари Бухоро Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Хайитовнинг маърузасини тингладилар.

Таъкидланганидек, халқимизнинг миллий кадриятлари миллатимиз учун муҳим ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлардир. Миллат — миллий кадриятларнинг соҳибни, миллатнинг таназзули — миллий кадриятларнинг таназзулидир. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда давлат снэсати даражасига кўтарилди.

Маънавият ва маърифат ўқуви катнашчиларини қизиқтирган саволларга унинг ташкилотчилари томонидан атофлғича жавоблар берилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Газетанинг ўтган сонида хабар берганимиздек, бугун TATU Самарқанд филиали кафедраларининг соҳа корхона ва ташкилотларидаги ўқув филиаллари ҳақида сўз юртамиз.

Кадрлар салоҳияти моддий-техник базасини яратиш ҳамда соҳа корхоналари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ёш кадрларга ўқув услубий ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятларини такомиллаштиришда катта ўрин тутади. Тизимга кадрлар тайёрлаш масаласи устувор йўналишлардан эканлигини ҳисобга олиб, TATU Самарқанд филиали бу борадаги ишларни янада яхшилаш чораларини кўрмоқда.

Бугунги кунда филиалда тўртта бакалаврият таълим йўналишида олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. 2011-2012 ўқув йилида таълимнинг ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш мақсадида филиал ва соҳа корхоналари ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жумладан, филиалнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" ҳамда "Табиий фанлар" кафедралари 3- ва 4-босқич талабалари билан амалиётлар телекоммуникация йўналиши бўйича ташкил этилди. Битирув-малакавий ишларнинг 60-70 фоизига соҳа корхоналарининг мутахассислари илмий раҳбарликка жалб этилди. Кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, амалиётларини соҳа корхоналари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича ҳам филиалда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хозирги кунда соҳа корхоналарида филиалнинг телекоммуникация йўналиши бўйича 33-телефон тармоғида кафедранинг филиали ташкил этилган. Бу филиалда телекоммуникация йўналиши 3-босқич талабалари амалиёт ва лаборатория машғулотларини соҳа корхоналари масалалари билан боғлаб олиб боришмоқда. Телекоммуникация йўнали-

Олтин ҳалқалар

TATU Самарқанд филиали талабалари назарий билимларини амалиётда мустаҳкамламоқда

шида алоқа линиялари, телекоммуникация узатиш тизимлари, рақамли коммуникация фанларини ўқитиш бўйича соҳа корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Ўқув-лаборатория синфлари ташкил этилганлиги, талабаларнинг махсус дастур асосида мукамал билим олишига, соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишда катта имкониятлар бермоқда. Зеро, талаба олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш имкониятига эга бўлади.

Соҳадаги янги технологик қурилмалар, уларнинг ишлаш жараёнларини талабалар соҳа мутахассисларидан ўргангани ва билимларини мустаҳкамлайди. Филиалнинг телекоммуникация таълим йўналиши бўйича ўқув жараёнлари ва ишлаб чиқариш амалиёти бугунги кун талабаларига мос ҳолда олиб борилаётганлиги, айниқса, соҳа мутахассислари кафедра йўналишидаги етакчи ўқитувчилар билан ўзаро очик дарсларда қатнашиб, талабаларга энг замонавий технологиялар, қурилмалар, оптик толали алоқа кабел линиялари ва рақамли қурилмаларни ўргатишда ўз хиссаларини қўшишмоқда.

Соҳада Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, РТУМ мутахассислари, 4-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ходимлари, "ЎМобайл" филиали Самарқанд ҳудудий боғламаси мутахассислари, Электромангнит мослашув марказининг вилоят Техник радионазорат станцияси ходимларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, талабалар

Амалга оширилаётган ҳамкорлик ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишида, назарий билимларини амалда қўллада, эртанги куннинг етакчи мутахассислари бўлишларида кенг имкониятлар яратиб бериши табиий.

"Чўпонота" РТУМда амалиёт дарсларини ўтмоқдалар. Филиалда янги ахборот технологияларини жорий қилиш, рақамли телевидениенинг вилоятларда тарқатиш ва қурилмаларини ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

"Табиий фанлар" кафедрасининг "ЎЗИ-Самарқанд" филиалида очилган ўқув филиали ҳам филиал билан корхона ўртасидаги бевосита узвий

боғлиқликни таъминлашга, талабалар назарий билимини амалиётда мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўқув филиали талабалар билим олишларида қулайликлар яратиш мақсадида барча керакли алоқа ускуналари ва қурилмалари, ўлчов асбоблари билан жиҳозланган. "ЎЗИ-Самарқанд" филиали муҳандис-мутахассисларидан Шодийр Эшмирзаев, Абдурахмон Ўринбоев, Электромангнит мослашув марказининг вилоят Техник радионазорат станцияси мутахассислари Мўминжон Абдуҳақимов, Аҳмадjon Олмасов ва "Табиий фанлар" кафедраси ўқитувчилари талабаларга дарс ўтиш учун бириктирилди. Кафедранинг 47 нафар битирувчиси амалиётни соҳа корхоналарида ўтказадилар. Уларнинг 20 нафари битирув-малакавий ишларига соҳа корхоналари раҳбар ва ходимлари раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, TATU Самарқанд филиали "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали, вилоят Радиотелевизион узатиш маркази корхоналарида кафедралари филиалларини очишни режалаштирган.

Амалга оширилаётган ҳамкорлик ёшларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишида, назарий билимларини амалда қўллада, эртанги куннинг етакчи мутахассислари бўлишларида кенг имкониятлар яратиб бериши табиий.

Зулфия РЎЗИЕВА,
TATU Самарқанд филиали катта ўқитувчиси,
Анвар ДОЛИЕВ,
4-босқич талабаси

Фарғоналик почтачилар

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ директорининг 2012 йил 7 ноябрдаги "Жамият бошқарув аппарати ва тизимдаги филиалларда фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис ходимларининг чет тили билимларини ошириш тўғрисида" ги буйруғига асосан Фарғона филиали Кўқон почта алоқаси тармоғида Кўқон шаҳар, Янгиқўрғон, Риштон, Яйпан, Навбахор, Бешарик, Учкўприк, Бағдод ПАТларида меҳнат қилаётган TATU битирувчилари ҳамда почтани қабул қилувчи, ишловчи ва мижозлар бўлимлари ходимлари учун инглиз тили ўқувлари олиб борилмоқда. Тингловчи Кўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси Мастура Алиеванинг қизиқарли машғулотларидан баҳраманд бўлишмоқда.

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори биз — инглиз тили ўқитувчилари зиммасига жуда катта масъулиятли вазифаларни қўйди, — дейди Мастура Алиева. — Хозир 27 нафар тингловчининг ҳаммаси инглиз тилини тез ва осон ўрганишлари учун бор куч-билимимни ишга соляман. Натижа эса кутганимдан кўра аълороқ. Давомат ҳам, ўзлаштириш ҳам кўнгилдагидай. Уй вазифаларини бажаришга, имкон қадар кўпроқ сўзлар ёдлашга, тестларни ечишга. Мухими, тинглов-

чиларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқлари жуда баланд. "Опа, илтимос, ишимиздан руҳсат олиб қўшимча машғулотлар ўтин" дея ҳоли жонимга қўйишмайди. Ваҳоланки, улар орасида 45-50 ёшлилари ҳам бор. Буни кўриб, бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилади. Почта хужжатларида (бланкаларида) инглиз тилидаги ёзувлар ҳам, таржимаси ҳам бор экан. Биноидай билишди. Фақат энди улар бу ёзувларни тушунибгина қолмай, талаффуз қила олишлари, хорижликлар билан бемалол мулоқот қила оладиган бўлишлари зарур. Бундай кўникмани қандай ҳосил қилиш мумкин? Фақат ва фақат ўзаро

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШАПТИ

инглизча сўзлашибгина! Менимча, талабаларим доимо бадий китоблар ўқиб, видеофилмлар томоша қилиш ва махсус дисклардан фойдаланиш жорий сўз бойликларини ошира борадилар. Умид қиламанки, берган сабоқларим исзис кетмайди, бир умр асқотади...

— Душанба биз учун мароқли кун бўлиб қолди, — дейди учкўприклик Хасанбой Мамажонов. — Мен TATU иктисодиёт факултетини тугаллаганман. Шу боис инглиз тили машғулотлари мен учун янгилик эмас, такрор бўлапти. Такрор бўлганда ҳам жуда завқли ва фойдалли. Шуниси ғаройибки, бошқа тилни ўрганиш киши дунёкаршини ҳам, тасаввур дунёсини ҳам кенгайтиришини янада теранроқ ҳис этялман.

Дарҳақиқат, инглиз тили ўқувларига кетган вақт ҳам олтин, сарҳисоби йўқ эмас. Буни ҳар бир тингловчи яхши англайди.

Хафиза САЛЯХОВА,
"Xabar" нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Доро ва АКШ почтаси

Эрон шоҳи Доро амри билан текис йўллар барпо этилди: улар империянинг қон томирлари вазифасини бажарар, зеро, йўллар ёқасида бунёд этилган чопарлик масканлари олис манзилларни яқинлаштирди. Айнан мазкур тизимнинг самардорлиги темир йўллар-у телеграф мавжуд бўлмаган узок ўтмишда форслар салтанати яхлитлигининг кафолати эди. Доронинг вафотидан ярим аср ўтиб, буюк тарихчи Геродот чарчок билмас бу чопарларга нисбатан ҳайратини қуйидагича ифодалаган эди: "На қор, на ёмғир ва на тун зулмати уларга ўз вазифаларини шижоат-ла уддалашларига ҳалакит бера олмайди".

P.S. Дикқатга сазовор жиҳати, айни таъриф бугунги кунда АКШ почта хизмати-нинг ишорига айланган.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Бугун юртимизда ўзгача шукух, ўзгача тантана. Республикамиз аҳолиси чексиз меҳри билан оламни нурга тўлдирётган азиз оналаримиз, фидокорона меҳнати билан элда ҳурмат топаётган мухтарам она-сингилларимиз байрамини катта тантана билан нишонламоқдалар.

Бизнинг филлиамизда ҳам 48 нафар ўз касбининг фидойиси бўлган аёллар меҳнат қилишади. Улар бой билими, эҳтишоби, тошпирилган вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилиши билан қорхона ривожига муносиб удуш қўшимоқдалар. Мен меҳнатини алоҳида эътироф этган ҳолда уларни ҳамда республикамизнинг барча алоқа қорхона ва ташкилотларида унумли меҳнат қилиб, аҳолининг алоқа хизматида бўлган талаб ва эҳтишобларини қондиришдек муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўшаётган барча она-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар кўни билан сэмий табриклайман. Ишларига омад, ўзларига мустақкам соғлиқ тилайман.

Бахтимизга ҳаминча соғ ва омон бўлинг, азизлар!

Бахтиёр АБДУРАСУЛОВ,
"Ўзбектелеком" АК
"Бизнесни ривожлантириш
маркази" филиали директори

**Оналар оёғи остидадур,
Равза жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолини истор арсонинг
Бўл онанинг оёғини тўғри.**

Алишер Навоий

Аёллар бор,

Ишимизда чиройли муомала муҳим

— дейди мижозлар билан ишлаш бўлими 1-тоифали мутахассиси Нигорахон ГАЗИЕВА

Нигора техникага иштиёқ кучли оилада таваллуд топди. Отаси Анвар ака Мазгаров Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида муҳандис бўлиб ишлагани боис уйда ҳам кўпинча заводдаги ишлар, техника оламидаги янгилликлар ҳақида гап бўларди. Нигора бу гапларни онгига сингдиришга ҳаракат қилар, ўзи ана шу техникалар ичида бўлишни орзу қиларди. Шу сабаб пойтахтдаги 218-мактабни битиргач, ҳужжатларини Тошкент Давлат политехника институтининг бошқаришни автоматлаштириш тизими факултетига топишди ва кириш имтиҳонларига қизгин тайёргарлик кўра бошлади.

Кимки бир мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилса, унга етиши рост бўлиб чиқади. Нигора ўзи истаган институт талабаси бўлишдек бахтга эришди. Олийгоҳда ҳам яхши ўқиди, техника сирларини пухта эггаллади. 1988 йилда институтни аъло баҳоларга тугаллаган, орзулари бир жаҳон кизини олийгоҳнинг ўзиде ишлаб қолишга таклиф этишди. Ишда, яшашда кўпчиликка намуна бўлган устозлари билан бир сафда ишлаш

унинг учун улкан бахт эди. Нигора бу ерда илмий ходим бўлиб иш бошлади. Аспирантурада ўқиди. Темир йўл соҳаси муҳандиси Улўбек Газиев билан бахтли турмуш қурди.

— Бирин-кетин фарзандларим туғилди, — дейди Нигорахон ўтган кунларни эслаб. — 1994 йилда институтдан бўшаб, ўзим ўқиган мактабга ишга ўтдим. Сабаби, ўша пайтда фарзанд тарбияси мен учун энг муҳими бўлиб, улар ёнида кўпроқ бўлишим, тарбияси билан шугулланишим керак эди. У ерда тўрт йил давомида болаларга информатика фанидан дарс бердим. Фарзандларим сал катта бўлишгач, "Ўзбектелеком" АК "Intal Telecom" филиали ("Бизнесни ривожлантириш маркази"нинг олдинги номи)га ишга ўтдим. Мана, 11 йилдирки, шу жамоада меҳнат қиляпман.

Филлиалда Нигора Газиеванинг ўз ўрни, ҳурмати бор. У ўзига топирилган вазифа масъулиятини юракдан ҳис этади. Шунинг учун ҳам мижозлар билан ишлашдек муҳим вазифа унга ишониб топирилган. "Бизнинг бўлимда ишлаш учун ходим муомала маданиятини яхши эггаллаган бўлиш керак. Мижозга кўпол муомала билан уни бутунлай йўқотишингиз, аксинча, чиройли муомала билан унинг ёнига ая ўн нафар мижоз қўшишингиз мумкин, — дейди Нигорахон. — Шунинг учун мижозлар билан муомалада жуда эҳтиёткорман. Менга Тошкент шаҳридаги мижозлар билан ишлаш топирилган ва бу ишни имкон қадар тўлиқ бажаришга ҳаракат қиляпман".

Нигорахон ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК бўлим бошлиғи Улўбек Газиевлар уч нафар фарзандни ўзлари каби эл ишига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашмоқда.



Болалик орзулари рўёби

Филлиалнинг ходимлар бўйича бош мутахассиси Шахноза Холматова ҳақида гап кетгудай бўлса, ўзига ва бошқаларга талабчан, тиришқок ва билимли қиз дея таъриф беришади. Бу рост гап. Шахнозанинг зиммасига ходимларни ишга қабул қилиш, ҳужжатларини расмийлаштириш, улар малакасини оширишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шунингдек, у бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда инглиз тилини ҳам мукамал ўрганган.

Шахноза Тошкент шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топди. Оиладаги беш фарзанд ичида ягона алоқачи у. Бизнинг "Бу касбга қандай қизиқиб қолгансиз?" деган саволимизга у шундай жавоб берди:

— Бобом Абдушохид Худойшукуровнинг таъсири хикоялари сабаб шу касбга меҳрим уйронган. У киши Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси эди. Урушда қисмини алоқа билан таъминлаган. Хали бола пайтимдаёқ алоқачилик ҳамма учун керакли ва фойдали касб экан-да, деган фикрга келганман.

Пойтахтимиздаги 196-мактабни аъло баҳоларга тугаллаган Шахноза болаликдаги орзулари сабаб алоқачи бўлишга қарор қилди ва Тошкент алоқа касб-хунар коллежининг автоматик электрон алоқа факултетига ўқишга кирди. Коллеждаги ўқиш давомида унинг касбига бўлган муҳаббати, қизиқиши янада ортди.

Ўқув юртини битириб, "Intal Telecom" да катта иш юри-

тувчи сифатида иш бошлаган бўлса-да, унинг билим олишга бўлган қизиқиши сусаймади. Шу сабаб Шахноза ишдан ажралмаган ҳолда ТАТУнинг телекоммуникация факултетига ўқишга кирди. Ҳам ишлади, ҳам ўқиди. Бу эса унга олийгоҳдаги билимларини амалиёт билан бирга олиб бориш имкониятини берди. Ва унга аввал муҳандислик, сўнгра эса ходимлар бўйича бош мутахассислик вазифаси топирилди.

— Филлиалимизнинг вилоятларда ҳам бўлимлари мавжуд, — дейди Шахноза биз билан суҳбатда. — Бизда ҳаммаси бўлиб 200 нафардан ортик одам меҳнат қилади. Раҳбарият томонидан уларни навбатма-навбат ўқитиб, малакаларини ошириб боришга катта аҳамият бериляпти. Шунингдек, соҳага мутахассислар тайёрлаб берувчи ўқув даргоҳларидан кўплаб ёшлар бизда амалиёт ўташ учун келишади. Уларнинг амалиёт даври бесамар кетмаслиги учун ҳаракат қиламан. Ишимизга қизиқиб қолганларини эса кейинчалик ишга ҳам оламан. Тажриба оширишга хоризгга кетаётган ходимларни мулоқотга тайёрлаш учун инглиз тилини ўргатиш ҳам бўлимимиз зиммасида.

Ха, Шахноза Холматова давлатимиз ёшлар учун яратиб берган имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда ўз устида ишлаб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётган минглаб ёшларнинг бири. Қайсики қорхонада бундай мутахассислар кўпайиб борар экан, ўша ерда ривожланиш бўлаверади.



Бизнинг

Ёш бўлса-да, ишга пишиқ Елена Суҳаревани жамоада ходимлар ҳам, гоҳ телефонда муурожаат қилувчи, гоҳи келиб юзма-юз суҳбатлашиб кетувчи мижозлар ҳам яхши кўришади. Бунга эса унинг доимо кулиб турувчи мовий кўзлари-ю ширин сўзлари сабабчидир.

— Болалигимда пианино чалиш жону дилим эди, — дейди Елена кулиб. — Шу сабаб катта бўлсам музикачи бўлман деган фикрда эдим. Лекин ота-онам алоқачилар эмасми, мени ўз соҳаларига қизиқтиришга муваффақ бўлишди.

Дарҳақиқат, Еленанинг отаси Евгений Николаевич кўп йиллардан бери алоқачилик касбини эъозлаб, кам бўлмаган инсонлардан бири. У Республика энергетика вазирлигида диспетчерлик марказини бошқаради. Онаси Ирина Константиновна эса "Ўзбекнефтверга" да бўлим бошлиғи. Икки алоқачининг оиласида воёга етган Елена ҳам касби-

Гўзалдир олам!



Меҳридарё устоз

ака ҳамда муаллима Майна опалар хонадониди таваллуд топди. Оқдарёдаги 47-мактабни тугаллагач, ота изидан боришга қарор қилди. Шаҳрисабдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш билим юртининг бухгалтерия факултетига ўқишга кирди. 1982 йилда билим юртини имтиёзли битирган Насибахон икки йил турли ташкилотларда бухгалтерлик қилди. "Ташкилотларда бухгалтерлик" да муҳандис бўлиб ишловчи Бурхон Раҳмановга турмушга чиққач, у Тошкент шаҳрида яшай бошлади ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бош ҳисобчи бўлиб ишга кирди. Бу ерда оз фурсат ишлагандан кейин "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига ишга ўтди. Бу ташкилотда у аввал оддий ҳисобчи, кейин бош ҳисобчи ўринбосари ва бош ҳисобчи вазифаларида ишлади. Сўнг компаниянинг "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалига бош ҳисобчиликка ўтказилди.

Танлаган соҳасида озми-кўпми меҳнат қилиб, кимдир томонидан устоз, дея тан олинмиш хар кимга ҳам насиб этаквермайдиган бахт, мартаба. Бу мартабага эришиш учун инсонда сабр бисёр бўлмоғи лозим, меҳр эса дарё. Филиал бош ҳисобчиси Насибахон Қўлдошева ана шундай улдуғ мартабага эришган бахтли аёллардан бири. Филиал ёшларининг кўпчилиги уни устоз дея эъзозлашади, ҳурмати жойига қўйишади.

— Ходимларимиз турли бўлимларда меҳнат қилишсада, ҳаммаларининг иши ҳисоб-китоб билан боғлиқ, дейди Насибахон. — Шу сабаб тез-тез ёрдам сўраб мурожаат қилиб туришади. Мен эса билганларимни уларга бажонидил ўргатаман. Уларнинг мамнун қиёфада хонамдан чиқиб кетишлари менга завқ, куч-қувват бақишлайди.

Насибахон Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида, ҳисоб-китоб ишлари бўйича ўз касбининг устаси Хасан

— Ун етти йилдан бери алоқа соҳасида фаолият юритяпман, — дейди Насибахон Қўлдошева мамнуният билан. — Кейинги йиллар ичида соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган янгиланишларда менинг ҳам ҳиссам борлигидан хурсандман.

Насибахон — бахтли оиланинг бекаси. У турмуш ўртоғи билан оила кўрғонини муқаддас қилиб, ажойиб фарзандларни вояга етказишди. Тўнғич фарзанд Шаҳноза она касбини танлаган — "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиалида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Гулноза эса Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида лаборант. Санжар ота касбини танлади.

Узаро ҳамжихатликдаги меҳнатлари юзага чиққан ота-она эса фарзандлари камолдан мамнун.

"БРМ" филиали ҳақида

"Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали аҳолига маълумотларни узатишни барча турлари, жумладан, интернет тармоғига уланиш, IP телефония, интерактив IPTV телерадиовидео, корпоратив тармоқларни ташкил этиш-қуриш ҳамда VPN хусусий виртуал тармоғини яратиш, видеокофференцалоқа хизматларини ташкил этиш, электрон почта, серверларни жойлаштириш, қурилмаларни назорат қилиш (colocation) ҳамда виртуал (hosting) хизматлар кўрсатади.

Корхонанинг асосий вазифаларидан бири эса Ўзбекистон интернет бозорига янги телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ва шу билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари бўйича амалга оширилаётган илмий-исловотларини бажаришдан иборат.



Мен сизни гўл десам гўлдан гўзалсиз,
Мен сизни дур десам дурдан гўзалсиз.
Муболағаним, минг сифат нечун,
Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.

Зулфия МҮМИНОВА

Гўзал Елена



хассис 2004 йилда "Бизнесни ривожлантириш маркази" (ўша пайтдаги номи — "UzPAK")га ишга келди. Филиалда маркетинг ва таърифлар бўлими мутахассислигидан иш бошлаган қобилиятли қиз кейинчалик худудларда мижозлар мониторинги бўлими бошлиғи вазифасини қабул қилиб олди. Мана, олти йилдан бери у ушбу масъул вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. У хар бир рақамга эҳтиёткорона муносабатда бўлади, шу сабабли адашмайди.

— Биз Елена билан фахрланамиз, — дейди филиалдаги маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул Мактуба Қорабоева. — У ишдан бўш пайтларида спорт билан шуғулланади. Қишда чанғи учади, шунингдек, яхшигина теннис ўйнайди. Алоқа ташкилотлари ходимлари ўртасида ўтказиладиган теннис бўйича мусобақаларда иштирок этиб, филиалимиз шарафини ҳимоя қилади.

нинг устасига айланганидан ота-онаси хурсанд, албатта.

1997 йилда ТАТУнинг менежментлик факултетини муваффақиятли тамомлаб, Олий таълим вазирлигида волонтерликдан иш бошлаган ёш мута-

Жамоам — бахтим!

Х аётда шундай одамлар борки, ўзидангиз самимият ва меҳр сабаб одамлар эҳтиромига сазовор бўладилар. Корхона етакчи ҳисобчиси Елена Гнездилова ана шулар сирасидан. Елена Николаевна ҳамма билан яхши муносабатда бўлади, қўлдан келганича қўмақ беради. Шунинг учун ҳам унинг жамоада ҳурмати баланд.

— Отам Николай Александрович болаларга жисмоний тарбиядан дарс бергани, онам Наталя Алексеевна эса даволаш жисмоний тарбияси бўйича йўриқчи бўлиб ишлагани боис биз фарзандларни жисмонан ва ақлан баркамол қилиб тарбиялашга катта аҳамият беришди, — дейди Елена Николаевна. — Улар ейиш-ичишимиздан тортиб, дарсларни қай вақтда тайёрлашимизгача аҳамият беришар, катъий тартибга риоя қилишимизни талаб қилишарди. Шу сабаб хар бир ишни ўз вақтида қилишга одатланганман. Бу бизнинг соҳада жуда муҳим.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини юқори натижалар билан тамомлаган Елена аввал Мирзо Улугбек туман соғлиқни сақлаш бошқармасида ҳисобчи бўлиб ишлади. Сўнгра алоқа корхонасига ишга ўтди. Мана етти йилдирки, у "БРМ" филиалида ҳисобчилик қилмоқда.



— Ходимларга гамхўр шундай ажойиб раҳбарлар қўл остида меҳр-оқибатли одамлар билан ишлаш насиб этганидан гоё бахтиёрман, — дейди Елена гўлқинланиб. — Жамоа аъзоларим менинг яхши ва ёмон кунларимда доимо ёнимда туришади. Улар эътиборини, меҳрини ҳис қилиб яшаш қанчалар мароқли.

Елена Николаевна ўзи каби мафтункор қизга она эканлигидан мамнун ҳолда унинг келажаги учун қайғуриб яшайди. Қизи Евгения Ўзбекистон Миллий университетининг чет эл филологияси факултетига ўқийди. Унинг мақсади келажақда онаси каби юрт ривожига муносиб улуш қўшиш.

Қўшсаҳифани Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади


Селекторное совещание по качеству работы сетей телекоммуникаций Узбекистана

В Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан проведено селекторное совещание, посвященное качеству работы сетей телекоммуникаций Республики Узбекистан по итогам 2012 года и двух месяцев 2013 года.

В рамках заседания обсуждены результаты деятельности по обеспечению качества подразделениями АК "Узбектелеком" и другими операторами телекоммуникаций, включая мобильной связи, вопросы текущего состояния обеспечения устойчивости и качества работы сетей телекоммуникаций, мобильной связи, выполнения планов профилактических работ и текущего, капитального ремонта.

В ходе заседания подчеркнута необходимость планомерного подхода к организации эксплуатации сетей телекоммуникаций и их обеспечению необходимыми материалами и комплектующими.

В частности, отмечена необходимость тщательного



планирования профилактических работ, капитального и текущего ремонта, работ по расширению и модернизации на сетях телекоммуникаций всеми операторами связи и

продолжения работ по улучшению системы повышения квалификации инженерно-технических работников и обслуживающего персонала.

Особое внимание обращено на вопросы работы с обращениями граждан, указано на необходимость сокращения сроков их рассмотрения, тщательного анализа причин возникновения и формирования мер по предотвращению причин их возникновения.

По итогам совещания были приняты соответствующие решения по принятию необходимых мер, для улучшения качества оказываемых услуг телекоммуникаций и мобильной связи, а также по эффективному использованию ресурсов сети телекоммуникаций, повышения квалификации специалистов путем проведения технических занятий, повышению личной ответственности руководителей и специалистов за обеспечение исполнительской дисциплины.

ccitt.uz

Обсуждены вопросы информационной безопасности интернет-ресурсов

В Музее истории связи состоялся семинар-совещание, посвященный вопросам противодействия кибератакам на интернет-ресурсы. В нем приняли участие более 150 представителей министерств и ведомств, а также ответственных работников Аппарата Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Было отмечено, что анализ международного опыта и ситуации в области информационной безопасности свидетельствует об активизации в последние годы кибератак на интернет-ресурсы.

В основном такого рода атаки направлены для модификации содержимого интернет-ресурса путем несанкционированного размещения в нем информации или полного отказа интернет-ресурса в обслуживании.

В ходе мероприятия были заслушаны доклады о текущем состоянии информационной безопасности, о произошедших инцидентах на реальных примерах, о методах и средствах обеспечения информационной безопасности в сетях передачи данных и о результатах проделанной работы.

По итогам совещания были выработаны конкретные предложения по организации системы противодействия кибератакам в информационном пространстве Узбекистана, включая порядок взаимодействия государственных органов, операторов и Службы реагирования на компьютерные инциденты UZ-CERT.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ НОВОЙ ВЕРСИИ ЦЕНТРА ЕДИНОЙ АВТОРИЗАЦИИ ID.UZ

6 марта в Центре развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM прошла внутренняя презентация новой версии проекта ID.uz.

Новую версию центра единой авторизации ID.uz презентовали разработчик Ильхом Идиев и руководитель разработки Толиб Мирзакулов.

Основное время обсуждения заняли вопросы, связанные с ID-картой, было интересное обсуждение. Насколько ID-карта может заменить настоящий паспорт, нужно ли указывать на ней возраст или дату рождения владельца, зачем кроме номера учетной записи печатать номер самой карточки, насколько актуален VascoID, стоит ли давать карты младенцам, как регистрировать тех, кто не выходит в интернет, какие плюсы и минусы по сравнению с авторизацией по ЭЦП, как авторизовываться для обращений к госуслугам и еще много сопутствующих вопросов, по которым директор Центра Джалолатдин Рахимов обозначил подходы и концепцию идеи.

В ближайшее время будет запущен обновленный сайт ID.uz и вы сможете ознакомиться с его работой. Статусы "неподтвержденный", RealID и PassportID остались без изменения.

Молодежь за здоровый образ жизни

Эту тему обсудили участники "Круглого стола, прошедшего в областном информационно-библиотечном центре. Учащиеся профколледжей города Ургенча вели живой диалог с организаторами мероприятия — работниками ИБЦ, областного института статистики медицины и здоровья, областного просветительского центра женщин "Истикбол", областного кенгаша общественного движения "Камолот".

Сегодня социальные институты и общественные организации области ведут работу по распространению социально негативных явлений в трех направлениях — укреплению репродуктивного здоровья, профилактике наркомании и ВИЧ-инфекции, пропаганде физического развития и спорта. Совместные усилия образовательных учреждений, органов здравоохранения, областного центра пропаганды духовности, молодежных организаций приносят положительные результаты.

— Вместе с тем нельзя забывать, что здоровье подрастающего поколения неразрывно связано с укреплением института семьи, заботой о гармоничном развитии наших детей, повышением медицинской культуры населения, — отметила в своем выступлении ведущий специалист областного просветительского центра женщин "Истикбол" Ирода Азадова. — Привлекая специалистов к

профилактике заболеваний, хотелось бы видеть полноценную отдачу. Сухие доклады не дают ожидаемого результата. Встречи с медиками должны быть познавательными, строиться на основе активного общения с аудиторией.

Оживленную дискуссию вызвало обсуждение проблемы профилактики ВИЧ-инфекции и борьбы с распространением наркотиков. Врач областного наркологического диспансера Х.Юсупов рассказал о новых формах проводимой в этом направлении работы. В частности, применении современных компьютерных технологий, организации экскурсий в медучреждения, анонимных бесед с людьми, живущими с ВИЧ, а также с употребляющими наркотики.

В целом же повышение результативности проводимых мероприятий зависит от партнерства социальных институтов и общественных организаций.

— Формирование здорового образа жизни среди молодежи является одной из основных задач ОДМ "Камолот". — Молодежные центры и организации выступают инициаторами и организаторами спортивных, культурно-просветительских и других мероприятий, направленных на укрепление здоровья молодежи, — отметил ведущий специалист областного кенгаша общественного движения молодежи "Камолот" Тимур Джуманиязов. — Они выполняют роль общественных советников и помощников в правовых, медицинских, психологических вопросах. В 2013 году работа по этим направлениям будет продолжена.

Для участников "Круглого стола" были проведены обзоры по выставкам "Тиёх-вадлик — умр заволи", "Одам савдоси — инсон хуқуқларига қарши қаратилган жиноят".

Участники "Круглого стола" выразили общее мнение, что переход от Года семьи к Году процветания и благополучия станет новым этапом в духовно-нравственном воспитании молодежи, формировании в ее среде здорового образа жизни.

М.ХРИСТЕНКО,
заведующая сектором Хорезмского областного ИБЦ

Тарифы на интернет-услуги для провайдеров продолжают снижаться

Акционерная компания "Узбектелеком" сообщила о снижении с 26 февраля тарифов на интернет-услуги (внешнего канала) для провайдеров с 409,44 до 383,79 доллара за 1 Мбит/с.


По данным пресс-службы национального телекоммуникационного оператора в этом году тарифы снижаются во второй раз — предыдущее снижение имело место в январе.

В прошлом году тариф на внешний канал снижался семь раз — с 500 долларов за 1 Мбит/с в январе до 422 долларов в ноябре.

За последние три года цены были снижены более чем в три раза.

"Узбектелеком" — крупнейший оператор телекоммуникаций, который охватывает своей сетью всю территорию Узбекистана. Компания предоставляет услуги аренды каналов операторам и провайдерам фиксированной и мобильной связи, международной и междугородней связи, все виды услуг голосовой связи и передачи данных, доступа в интернет, видео-конференцсвязи, мобильной и стационарной связи (CDMA-450).

Хабарлар +tv




5.55 Кўрсатқув дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иккинчи"
7.05 "Кўнгли қўнқ истайдиган"
7.20 Миллий сериал: "Опа - синглилар"
8.00 Тақдиримиз
8.40 "Кўрм бундай" дастури
"Муҳимкор битик"
9.00 Миллий сериал: "Чемпионлик оғуричи"
9.20 "Тараққёт дастури"
10.00 "Икки дунёга", Т/с
10.45 "Саломатлик дастури"
11.00 "Абборот"
11.10 "Ватанпарвар"
11.55 "Иккинчи"
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.40 "Кўнгли қўнқ истайдиган"
13.05 "Комсомо Рокс", Т/с
13.50 "Моҳир кўшлар"
14.00 "Абборот"
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқад муваққатли бўлади"
14.55 "Ўзбек киноси: "Чол ва набира", 16.05 "Иккинчи"
16.10 "Нитрох"
16.35 "Ифтихор"
16.40 "Икки дарё оралиғи"
17.00 "Абборот"
17.10 "Эркин фикр"
17.20 Миллий сериал: "Опа-синглилар"
18.00 "Кўнгли қўнқ истайдиган"
18.15 "Эртанлар - яқиниқона етказар"
18.35 ТВ - шифокор"
18.40 "Комсомо Рокс", Т/с
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абборот" /рус/
20.05 "Навоий буютиқани"
20.10 "Муаббат ваъдаси", Т/с
21.00 "Абборот"
21.40 "Муносабат"
21.45 "Кўнгли қўнқ истайдиган"
22.25 "Қиз оғаси", Б/ф
23.55 - 00.05 "Шарқ тароналари"
00.05 Кўрсатқув дастури.
00.15 "Кўрм бундай" дастури
"Муҳимкор битик"
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик оғуричи"
1.00 "Абборот" /рус/
1.30 ТелеТест: "Навоий истаб", 1-қисм.
2.05 "Ватанпарвар"
2.50 "Кўрм замин оҳанглари"
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Абборот"
4.40 Миллий сериал: "Опа - синглилар"
5.20 "Саломатлик дастури"
5.35 - 5.55 "Икки дарё оралиғи"
5.55



6.00 "Витан меҳри"
6.10 Миллий сериал: "Чарқалас"
7.00 "Ира-Илқай"
7.30 "Муштаннарама"
8.00 Миллий сериал: "Зубуар"
8.50 "Ешқик навоилари"
9.10 "Мерседес қиз", Т/с
9.30 "Абборот"
10.00 "Камолот-инфо"
10.10 "Чимканд", Спектакль.
12.00 "Сенгли қўшлар"
12.30 Миллий сериал: "Жийда гули"
13.00 "Давр"
13.10 "Табоб", Т/с
14.00 "13-студия"
14.30 "Сотом оғаси"
14.50 "Ешқик навоилари"
15.10 Миллий сериал: "Чарқалас"
16.00 "Давр"
16.10 "Жаноб Биг", Т/с
16.40 "Салом, Нарфиз"
16.50 "Давр макюси"
17.10 "Меҳрибонлигим", Б/ф, 1-қисм.
18.30 "Ешқик навоилари"
18.50 "UzEX"
19.00 "Давр"
19.30 "Афсуслар", Т/с
20.20 "Кўнгли қўнқлар"
20.50 "Эртанки болаларлар"
21.10 "Табоб", Т/с
22.00 "Давр"
22.30 Миллий сериал: "Жийда гули".


23.10 "Афсона ва ҳақиқат"
00.00 "Витан меҳри"
00.10 "Ешқик навоилари"
00.30 "Давр"
1.00 "Қодули осмон"
2.00 "13-студия"
3.30 "Мустаннарама сотом оғаси"
3.50 "Илком қўнқлар"
4.30 "Афсуслар", Т/с
5.20 "Ўнгилик оҳанглари"
5.50-6.00 "Нарфиз нафаси".



06.00 "Маҳри"
06.05 Кўрсатқув тартиби.
06.10 Миллий кино: "Ҳанг дарёсини қиз", Б/ф.
07.20 "Нима бўлган" лақаби берилган, М/ф.
07.30 "Салом, Тошкент"
08.30 Тошкент тароналари.
08.50 "Мулоқат учин муно"
09.20 "Интеллектуал ақудан".
09.30 "Пошта"
09.40 "Саргуштар ордани"
10.05 "Интервью"
10.15 "Қамар оркестрининг концерти"
10.30 "Пошта", /рус тилида/
10.45 "Милли дастури"
11.00 "Пан Тагури", Б/ф.
11.00 "Салом, Тошкент"
11.40 "Дуниё тамақустури"
14.55 "Бизнес-пошта"
15.00 "Пошта"
15.15 "Аёл эри", Т/с, 18-қисм.
15.35 "Донлар буютиқани"
15.40 "Мақабда бун қиз"
16.00 "Тавни нуқраси"
16.30 Тошкент тароналари.
16.50 Мултисернал: "Шумтақалар", 1-2 қисмлар.
17.15 "Маришад фидоилари"
17.35 "Пошта" бўлирига"
18.00 "Пошта"
18.25 "Интеллектуал ақудан".
18.35 Миллий сериал: "Овмилар оғуричи", 2-қисм.
19.05 "Эътиқад"
19.20 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет"
19.50 "Хайри тун, болалар"
20.00 "Пошта"
20.25 "Тошкент оқдомлари"
20.50 "Ҳазил гушлари"
21.20 "Теле-маркет"
21.30 "Интервью"
21.45 "Уларим"
21.50 "Денгиз ҳуқумари", Т/с, 74-қисм.
22.30 "Пошта", /рус тилида/
22.50 "Эко-пошта", /рус тилида/
23.00 "Кино SMS" /рус тилида/
23.05 Кўрсатқув тартиби.
23.10 "Турим ҳақида", /рус тилида/
01.00 18 лет спустя, X/ф
02.20 "Уларим"
03.10 "Уларим"
03.20 "Алоат меҳон"
03.35 "Келин-қуё", Б/ф.
05.00-06.00 "Салом, Тошкент".

06.00 "Витан меҳри"
6.10 Миллий сериал: "Чарқалас"
7.00 "Ира-Илқай"
7.30 "Муштаннарама"
8.00 Миллий сериал: "Зубуар"
8.50 "Ешқик навоилари"
9.10 "Мерседес қиз", Т/с
9.30 "Абборот"
10.00 "Камолот-инфо"
10.10 "Чимканд", Спектакль.
12.00 "Сенгли қўшлар"
12.30 Миллий сериал: "Жийда гули"
13.00 "Давр"
13.10 "Табоб", Т/с
14.00 "13-студия"
14.30 "Сотом оғаси"
14.50 "Ешқик навоилари"
15.10 Миллий сериал: "Чарқалас"
16.00 "Давр"
16.10 "Жаноб Биг", Т/с
16.40 "Салом, Нарфиз"
16.50 "Давр макюси"
17.10 "Меҳрибонлигим", Б/ф, 1-қисм.
18.30 "Ешқик навоилари"
18.50 "UzEX"
19.00 "Давр"
19.30 "Афсуслар", Т/с
20.20 "Кўнгли қўнқлар"
20.50 "Эртанки болаларлар"
21.10 "Табоб", Т/с
22.00 "Давр"
22.30 Миллий сериал: "Жийда гули".

06.00 "Витан меҳри"
6.10 "Саломат бўлинг"
6.35 "Спортичлар олдаси"
6.55 "Мастер класс"
7.25 Боллар майдончаси: Теннис гимнастика.
"Спортландия", Мультифилм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.25 "Саломат бўлинг"
8.45 Футбол. Англия чемпиони.
8.55 Футбол. Англия чемпиони.
9.15 Футбол. Англия чемпиони.
9.30 "Велостеп"
9.45 Футбол. Англия чемпиони.
"Ливерпуль" - "Тоттенхэм".
12.55 Ридоллар, нитколар,
рейтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Боллар майдончаси: "Спортландия", Мультифилм.
13.40 "Ринг қиролилари"
14.40 Теннис ATP / WTA турнири.
16.15 Футбол. Испания чемпиони.
"Селта" - "Реал Мадрид".
18.00 Боллар майдончаси: "Спортландия", Мультифилм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Футбол. "Евро - 2012" энг яқин ўйинлари.
20.30 "Спорт - маркет"
20.40 "Футбол шарҳи"
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 Интервью.
23.35 Сешнаба дастури анонси.
23.45 Биллар. Жаҳон кубоги.
1.00 Хабарлар.
1.25 Жаҳон кубоклариди: Трамплиндан сакраш.
"Чини пойиси".
3.30 Велостеп.
4.20 - 5.50 Теннис ATP / WTA турнири.



07.00 08.20 10.30 15.20 18.30 "05.00"
"TV" навоилари.
08.00 Prime time"
09.40 Сериял "Без следа"
11.30 "Значик, воина" худ. фильм
14.10 Сериял "Холмистон йўллари"
15.00 Prime time"
18.00 "Премьера"
18.40 Сериял "Қиндистон йўллари"
19.20 Prime time"
19.50 20.35 00.00 04.00-20.00 Top-10"
21.10 Сериял "Без следа"
22.00 "МАТРИЦА" худ.фильм
02.00 Фестиваль кино: "Бразилия"

07.00 08.20 10.30 15.20 18.30 "05.00"
"TV" навоилари.
08.00 Prime time"
09.40 Сериял "Без следа"
11.30 "Значик, воина" худ. фильм
14.10 Сериял "Холмистон йўллари"
15.00 Prime time"
